
Оналарга эҳтиром | 40 йиллик умрини миллат таълим-тарбиясига сарфлаган Ҳалимахон ая хонадонига йўқлов уюштирилди

Туманимиз бўйлаб оналарга эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш бугун хар бир фарзанд, муносиб шогирдлар учун одат тусига кирди. Она эъзозланган юртда тинчлик, тотувлик ва албатта тараққиёт бўлади.

Бугун туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зарифахон Алихаджаева бошчилигида "Ингичка" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 40 йил маҳалладаги 23-мактабда ўқитувчилик соҳасида меҳнат қилган, бугунги кунда ҳам фарзандлари билан биргаликда оилавий болалар уйи ташкил этиб, 16 нафар болаларга таълим-тарбия бериб келаётган онахон Ҳалимахон Нурматова хонадонига ташриф уюштирилиб, алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

2023-05-10 11:03:53